

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 23-may, payshanba

№ 21 (9289)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi



## ЛАЛМИ МАЙДОНЛАРДА ПАРВАРИШ ҚИЛИНАЁТГАН КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА "ДАЛА КУНИ" ЎТКАЗИЛДИ

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ФАОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамкорликда "Ўзбекистонда озиқ-овқат тизимларининг ердан фойдаланиш ва қайта тиклашга таъсирини баҳолаш дастури" (GCP/UZB/010/GFF) лойиҳаси амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

БУХОРО ВИЛОЯТИ

## ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ҚУРИЛИШ СИФАТИДА АКС ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси таркибидаги Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ўз ваколати доирасида вилоятдаги қурилиш объектларида қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларининг техник бошқарув ва норматив ҳужжатлари талаблари мувофиқлигини, шаҳарсозлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларига ҳамда қурилиш метёрлари ва қоидаларига риоя этилишини танлов асосида назорат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

## Меҳмонларга гуллар тутар АҲЛИ НАМАНГАН

ГУЛЛАРГА БУРКАНГАН АВТОПАРАД БИЛАН НАМАНГАН ШАҲРИДА ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ РАВИШДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАДИГАН 63-ХАЛҚАРО ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИ ТАНТАНАЛАРИ БОШЛАНДИ.



Гуллар шаҳри номи билан етти иқлимда доврўғи таралган азим Наманганда гўзаллик ва нафосат, қадрият ва муҳаббат, ҳурмату эҳтиром рамзи саналган гулларга алоҳида меҳр қўйилган. Баҳор фасли кириб келиши билан гулчилар ушбу байрам тадоригига киришади. Кўтаринки кайфият, шоду хуррамлик, орасталик ва файзу барокотнинг муҳим омили сифатида ҳар бир кўча, хиёбон, хонадонларгача чаманзорга бурканади. Ҳар бир ҳовли гуллар билан безатилади, махсус туваклар ва гулзорларда турфа хилдаги гул навлари етиштирилади.

Навбатдаги халқаро гуллар фестивали тантаналари вилоятнинг ҳаво дарвозаси – Наманган халқаро аэропорти ҳудудидан гуллар автопаради билан бошланди. Унда давлатимиз байроғи билан безатилган енгил автомобиллар, юк машиналари, комбайн, трактор, ҳатто автокрангача анвойи гулларга бурканган 200 дан ортиқ транспорт воситасидан иборат машиналар карвони Ислоҳ Каримов шох кўчасидан Темир йўл вокзали айланма йўли – Амир Темури – Нодим Намангоний кўчалари бўйлаб ҳаракатланди. Айниқса, турли хил ретро машиналар аҳолида катта қизиқиш уйғотди.

Гуллар дёрида автопарад ўтказилишининг замирида, энг аввало, Янги Ўзбекистонда ҳукм сураётган одилона сиёсат самарасида тинчлик ва осудалиқнинг бардавомлиги мужассам. Бизнинг тинчликсевар мамлакатимиз тинчлик ва нафосат рамзи – гуллар автопаради

орқали гўзалликни бутун жаҳонга тараннум этаётгани эътирофга молик.

Таъкидлаш жоизки, бу галги гуллар байрамнинг асосий тантаналари бўлиб ўтаётган Наманган шаҳридаги Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, "Афсоналар водийси" тематик парки ҳамда янгитдан барпо қилинаётган "Янги Ўзбекистон боғи"да қизгин тайёргарлик кўрилди.

Ушбу муаззам масканларда ёшу кексани бирдек ўзига оҳанграбодек жалб этаётган 65 турдаги 30 миллиондан ортиқ гул экилган бўлса, Наманган шаҳри бўйлаб ўтказилган гуллар 45 миллиондан ошди. Демакки, ҳудуднинг гулчилиги, маданиятининг узок ўтмишини ўзида акс эттирувчи очик осмон остидаги музей юзага келди.

Фестивалнинг асосий гул композициялари намойиш қилинаётган Бобур боғига қадам ташлашингиз билан атроф гўзаллигидан кўнглингиз

ҳузурга, юзингиз нурга тўлади. Юздан ортиқ ташкилот ва муассасалар ўзига бириктирилган жойни гулзорга тўлдирди, идорасининг салоҳиятини оширишга қаратилган тарғиботни кучайтиришга эътибор қаратди. Қолаверса, дунёнинг элликка яқин давлатларига таклифномалар жўнатилганлигини назарда тутган ҳолда, дунёнинг етти мўъжизаси сиймоси гул ва бошқа воситалар орқали акс эттирилди. Айниқса, бобурийлар қурдирган Ҳиндистондаги Тожмаҳал мақбараси, Миср пирамидалари-ю Эйфал минорасигача бўлган макетлар гул композициялари билан безатилгани меҳмонларни ўзига бирдек ром этмоқда.

Одатда анъанавий гуллар байрамида асосан маҳаллий ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан ҳавкасқор гулчилар иштирок этиб, йиғилганларни нафосат ифори билан маҳлиё этишарди. Эндиликда улар сафига хорижий қатнашчилар ҳам қўшилди. 63-халқаро гуллар фестивалида Қирғиз Республикаси, Корея Республикаси, Озарбайжон, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон мамлакатлари учун махсус жой ажратилдики, унда сиз бир қатор янги ва ўзгача ифодада гуллардан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)



## Наманганнинг боғида

Сайр этиб, завқинг ошар,  
Қалбинг-ла илҳом эжшар,  
Гуллар ранг-ифоридан  
Маст бўлиб, шавқинг тошар,  
Гулларнинг ардоғида,  
Наманганнинг боғида.

Бунда гулни севганлар,  
Унга меҳрин берганлар,  
Танловларда беллашар  
Кўп-лаб юртдан келганлар,  
Гулларнинг ардоғида,  
Наманганнинг боғида.

Етти иқлим бирлашиб,  
Бир мавзуда сирлашиб,  
Дил розин изҳор айлар  
Гул ҳақида сўзлашиб,  
Гулларнинг ардоғида,  
Наманганнинг боғида.

Эй дўстим, қадрдоним,  
Замондошим, ёроним,  
Шоир чорлар сизни  
Гуллар шаҳри маконим,  
Гулларнинг ардоғида,  
Наманганнинг боғида.

Равшанбек  
МИРЗАОЛИМОВ,  
"Эл-юрт ҳурмати"  
ордени соҳиби.

## ФАЦЕЛИЯ – НОЁБ АСАЛЛИ ЎСИМЛИК

Инсоният бор экан, асаларилар етиштирган асал маҳсулотига бўлган талаб ва эҳтиёж охири бораверади. Ҳозир саноат, кандолат фабрикалари, тиббиёт соҳасида, самолётсозлик, ракетасозлик, радио ва телевизор ҳамда компьютер соҳаларида асалариларнинг мум маҳсулотларидан фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам асаларичилик чорвачиликка нисбатан даромадли тармоқ ҳисобланади.

Бутунги кунда дунё миқёсида кўп-лаб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уларнинг ўрнини босувчи манбаалар етиштирилатган бўлса-да, асаларичилик тармоғининг маҳсулоти, асалга, она асалари сутига ва мумига бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб бормоқда. Шу сабабли асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланган асалли (гулширали) ўсимликларни тадқиқ қилиш, улардан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш

муҳим илмий аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда ушбу гулширали ўсимликларнинг янги тур ва навларини яратиш, иқлимлаштириш ва парваришлаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш давр талаби ҳисобланади. Ана шундай ўсимликлардан бири фацелия ўсимлиги ҳисобланади. Фацелия Шимолий ва Жанубий Америкада ўсадиган бир йиллик ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликларнинг 186 турини ташкил қилади.

(Давоми 3-саҳифада)





## ЛАЛМИ МАЙДОНЛАРДА ПАРВАРИШ ҚИЛИНАЁТГАН КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ВА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА "ДАЛА КУНИ" ЎТКАЗИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Амалга оширилаётган лойиҳа лалмикор ер майдонларида иқлим ўзгаришини юмшатиш ва унга мослашган агротехника тадбирларини фермер хўжаликлари далаларида синаб кўриш ва кенг миқёсда жорий этишдан иборатдир. Шунингдек, иқлим ўзгариши шароитида атроф муҳитга бўладиган салбий таъсирини енгилаштириш учун чора-тадбирлар таклиф қилишдан иборат.



Мазкур йўналиш бўйича лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан тажриба алмашиш мақсадида жорий йилнинг 20-май куни Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри атрофидаги лалмикор ер майдонида ташкил этилган кўргазма-мани дала майдонида "Дала куни" ўтказилди.

Шу чоққа қадар Ўзбекистон шароитида тўғридан-тўғри экувчи сеялка билан буғдой, хашаки нўхат, кунжут ва маҳсар каби қишлоқ хўжалиги экинлари экилиб, яхши натижалар олинган ва олинмоқда. Шунингдек, экиш керакки, кузги буғдой тўғридан-тўғри экилганда анъанавий усулга қараганда ҳосилдорлик йиллар давомида юқори бўлганлиги ҳам таъкидлаш мумкин. "Дала куни" ўтказилаётган фермер хўжалиги далаида етиштирилаётган кузги буғдой уруғ сарфи 30% камайган, ёқилги сарфи эса 80% камайганлиги кузатирилган. Ушбу даладан олинган ҳосил гектаридан 4 тоннадан юқори бўлиши режалаштирилмоқда.

Ушбу тадбир қатнашчилари иқлим ўзгаришини юмшатиш учун қишлоқ хўжалиги экинларини асосан тўғридан-тўғри экувчи сеялка экинни ўз вақтида экиши, ёқилгига кетадиган харажати камайтириши ҳамда анъанавий усулга нисбатан бир хил ёки кўпроқ ҳосил бериши каби афзалликларни борлиги билан анъанавий усулга нисбатан анча устун эканлиги билан таништирилди.

Қишлоқ хўжалигида тупроқни ҳимоя қилувчи ресурстежовчи технологиялар анъанавий ва тупроққа минимал ишлов бериш технологияларига нисбатан иқлим ўзгаришига мослашишда ва атроф муҳитга салбий таъсирини камайтиришда муҳим ўрин тутиши тадбир қатнашчилари томонидан эътироф этилди.

Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги  
ахборот хизмати

## ЭХТИЁТКОРЛИК — ХАВФСИЗЛИК ОМИЛИ

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғиндир. У қай тарзда юзага келган бўлишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдириши табиий.

Фуқароларимизнинг кўпчилиги ҳали-ҳануз ёнғин хавфсизлиги қондаларига бепарволик билан қарашади. Аризмас бўлиб кўринган, аммо мудҳиш воқеага сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатга эътиборсизлик қилишади. Соҳа ходимлари эса айнан мана шу хавфсизлик қондаларини мунтазам равишда жойлардаги учрашувларда ва ОАВдаги чиқишларда уқтириб боришади. Аммо буларга менсимасдан қараб, ўз билганидан қолмайдиган фуқаролар билан кўнгилсиз, айрим пайтларда ўта аянчли ҳолатлар юз бермоқда. Шу ўринда ҳар қандай мураккаб, мудҳиш ҳодисалар оддий бепарволикдан бошланганини эслатиб ўтмоқчимиз. Зотан, ёнғинни ўчиргандан кўра унинг олдини олган афзалроқдир.

Шухрат РЎЗИХОЖИЕВ,

Ўзбекистон давлат консерваторияси биносида  
Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил  
этиш бўлинмаси кичик инспектори,  
кичик сержант.

# Меҳмонларга гуллар тутар АҲЛИ НАМАНГАН

(Боши 1-саҳифасида)

Эътиборлиси шундаки, гуллар автопаради йўлга чиққан бир пайтнинг ўзида Бобур боғи ёнгинасида гўзаллик ва нафосат айёмининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Абдуразоқов йиғилганларни нақд қирқ кун давом этадиган фестивалнинг ранг-баранг дастурларидан мириқиб ҳордиқ чиқаришга чорлади.

– Гўзалликка ошфута дилларни ўзига ром этаётган ардоқли байрам йиллар давомида такомил топиб, Наманганнинг ташриф қоғозига айланиб улгурди, – дейди вилоят ҳокими ўз сўзида. – Дунёнинг ҳар бурчидан келган меҳмонлар нигоҳига нафақат гуллар ҳайрати, балки, чинакам байрам завқини улашаётганимиздан мамнунмиз.

Тантанали очилиш маросимида мартабали меҳмонлар – Покистон Исломи Республикасининг Панжоб вилояти губернатори Муҳаммад Сарвар Чаудҳри, Қатар давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Ҳамза Хошим, Болгариянинг Ўзбекистондаги элчиси Стюэна Русинова, Тожикистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Абдуҷаббор Раҳмонзода, шунингдек, Қирғиз Республикасининг Жалолобод ва Ўш, Тожикистоннинг Сўғд вилоятлари расмий доиралари вакиллари



иборат делегациялари вакиллари ҳозир бўлиди. Шунингдек, фестивалда Хитой, Корея, АҚШ, Япония, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Қозоғистон, Туркия каби ўндан ортиқ ҳамкор давлатлардан инвесторлар ҳамда туризм мутасаддилари ҳам Наманганга ташриф буюриши.

Дарвоқе, халқаро гуллар фестивалини кенг тарғиб этиш учун таклиф қилинган Эрон, Тожикистон, Россия Федерацияси, Афғонистон, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси сингари жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатларининг етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари ва таниқли блогерлар Наманганга келиб, жараёнларни тўғридан-тўғри ёритиб бормоқда.

– Бизнинг мамлакатимизда ҳам гуллар байрамига ўхшаш фестиваль ўтказилиши сабабли Ўзбекистонда қандай ўтиши билан қизиқиб, Наманганга келдик, – дейди Япониянинг Хиросима шаҳридан ташриф буюрган турист Кио Канада. – Очиғи, кўриб ҳайратландик. Гул байрамидаги гўзал муҳит юртингиздаги тинчлик ва фаровонликнинг яққол кўринишидир. Бизда гул байрамида фақат автомобиллар қатнашади ва уларнинг гулларга бурканган намойиши бўлади, холос. Намангандаги фестиваль шуқуни эса ўзгача. Миллийлик уфуриб турадиган гуллар байрамида миллатлараро бағрикенликка ҳам эътибор қаратилади. Бунга бошқа давлатларнинг иштироки мисолида амин бўлдим. Шу боисдан ҳам биз Наманган ва Хиросима ўртасида маданий ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олдик.

– Ўзбекистон пойтахтида қурилиш ва меъморчилик соҳасида тадбиркорлик фаолияти



билан шуғулланиб келамиз. Фаолият қамровини кенгайтириш, қолаверса, гўзалликдан баҳраманд бўлиш мақсадида Намангандаги гуллар байрамига ошқидик, – дейди Туркия жумҳуриятининг "Yedi yildiz" ширкати раҳбари Ҳасан Йеди Йилдиз. – Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлганман, аммо шунинг айтишим керакки водийдаги Гуллар фестивали шуқуни бирорта давлатдаги анжуманларда кўрганам йўқ.

Наманганлик гулчиларнинг билимдонлиги ва омилкорлигига ҳавас қилдим. Агарда гулчилик янада тараққий эттирилса, бундан манаман деган давлатлар ибрат олиши аниқ.

– Азалдан бир ариқдан сув ичиб келган, дили ва дини бир ўзбек ва қирғиз халқларини боғловчи чегаралар очилгани қондош икки элни бир-бирига янада яқинлаштирди. Икки давлат етакчилари, айниқса, Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромоновичдан миннатдоримиз, – дейди Қирғиз Республикасининг Ўш вилоятидан келган сайёҳ Нилуфар Саидова. – Бониси, туризмга кенг йўл берилаётгани натижасида "Мундис-турист" фирмаси орқали ўттиздан ортиқ киши гуллар байрамидан завқ олди. Айниқса, бир-бирини тақрорламайдиган анвойи гулларга тўлган турнақатор автоуловлар паради инсонларга шодлик улашмоқда.

Уйимизга қайтган, таассуротларимизни дўсту яқинларимизга улашамиз, уларни ҳам Намангандаги гуллар фестивалига чорлаймиз.

Чинакамга гўзаллик ва нафосат тароватини улашадиган, дилларга ўзгача шуқу бағишлайдиган, юртимиздаги гулчилик анъаналарини, қолаверса, Наманган вилояти шаҳар ва туманларининг сайёҳлик салоҳиятини ошириш, инвестиция жозибадорлигини кенг тарғиб этиш ҳамда ички ва ташқи туризм ривожига муҳим аҳамият касб этадиган 63-анъанавий халқаро гуллар фестивали тадбирлари 23 июнга қадар давом этади. Байрамда фаол қатнашадиган гулчилар ва ташкилотлар қиматбахо совғалар, жумладан, автомобиллар билан мукофотланади.

Оқилхон ДАДАБОВЕВ,  
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (сурат),  
Ўза мухбирлари.



(Боши 1-саҳифада)

Лўнда қилиб айтганда, инспекция қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида назорат органи ҳисобланади. Бугунги кунда ҳудудий инспекцияда жами 84 нафар ходим, шундан 43 нафар ишлаб чиқариш ходимлари фаолият юритмоқда. Корхоналар тасарруфида жами 14 та махсус техника мавжуд бўлиб, техник соҳада ишлаб чиқаришга жалб этилган.

Ҳудудий инспекция томонидан ўтган йил давомида муайян ишлар амалга оширилди. Рўйхатдан ўтган 1620 та объектда 7173 та мониторинг тадбирлари ўтказилиб, уларда аниқланган 39121 та қондабузарликлар бўйича 14 835 та бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, 8 та лойиҳа ташкилотининг лицензиясини бекор қилиш ва тўхтатиш бўйича тақдимномалар берилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларга қурилишда ишлатилган сифатсиз материалларга нисбатан 103 та тақдимнома берилди. Шунингдек, қурилиш жараёнида техник ва муаллифлик назорати юритилишида камчиликларга йўл қўйган ташкилотларга 500 га яқин тақдимномалар киритилди. Аниқланган қондабузарликлар бўйича юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик" тўғрисидаги Кодексининг 99-моддасига асосан 745 та маъмурий жавобгарликлар белгиланган. Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва судлар томонидан ўтган йилнинг январь-октябр ойлари давомида жами 745 та маъмурий жарималар қўлланилган. Ўтган йил давомида қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун Давлат хизматлари агентлиги орқали 1369 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан

576 таси рўйхатга олиш учун қабул қилинган бўлса, 793 таси ижро ҳужжатларида камчиликлар

## ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ҚУРИЛИШ СИФАТИДА АКС ЭТАДИ

мавжудлиги сабабли рад қилинган. Қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш учун Давлат хизматлари агентлиги орқали 1608 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан 161 таси фойдаланишга қабул қилинган. Қолган 1447 таси ижро ҳужжатлари ва қурилиш ишлари тўлиқ яқунланмаганлиги сабабли рад этилган. Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини назорат қилиш мақсадида 2023 йил давомида 382 та мониторинг ўтказилган бўлиб, мониторинглар натижасида 249 та объектнинг ҳудудий инспекция рўйхатидан ўтмаганлиги аниқланди. Ушбу объектларнинг 110 таси ўрганиб чиқилди ҳамда 167 та объект эгаларига нисбатан маъмурий баённомалар расмилаштирилди. Шунингдек, 88 та объект техник кўриқдан ўтказилиб, 121 та объект ҳудудий инспекция рўйхатига олинди. Қолган 106 та объектни ҳудудий инспекция рўйхатидан ўтказиш чоралари қўрилмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаётган 553 та объектда синов лаборатория ишларини амалга ошириш учун 754 та шартнома тузилган. Синов лаборатория хулосаларининг салбий натижаларига кўра масъул инспекторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик" тўғрисидаги Кодексининг 99-моддаси 3-қисми билан 23 та маъмурий баённома расмилаштирилган, сифатсиз қурилиш материаллари устидан 88 та тақдимнома киритилган ҳамда 127 та объектда қурилиш ишлари тўхтатилган. Ҳудудий инспекция томонидан қарийб 400



та объектда инструментал техник кўриқлар ўтказилиб, 150 та объект яроқли, 116 та объектда кучайтириш чораларини кўриш, 94 та объектнинг яроқсизлиги бўйича техник хулосалар берилган.

– Вилоятимизда 2117 та кўп квартираларий уй-жойлар мавжуд бўлиб, ўтган йили уй-жой фондини, унга туташ ҳудудларни сақлаш ва ундан фойдаланиш қондаларига риоя этилиши юзасидан кўп қаватли уйларнинг туташ ҳудудларида вилоят бўйича жами 159 та ноқонуний қурилмалар мавжудлиги аниқланган, – дейди Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи

в.в.б Ойбек Очилов. – Ноқонуний қурилмалари мавжуд мулкдорларга ўз ихтиёрларига асосан, бартараф этиш тўғрисида мажбурий кўрсатмалар берилди. Ўз ихтиёрларига кўра белгиланган муддатда ноқонуний қурилмани бартараф қилмаган 28 нафар мулкдорга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий Жавобгарлик" тўғрисидаги Кодексининг тегишли моддасига асосан ҳужжатлар расмилаштирилди. Назорат тадбирлари жорий йилда ҳам белгиланган режа асосида олиб борилаётган. Ҳудудий инспекция рўйхатидан ўтган объектларда мунтазам мониторинг тадбирлари ўтказилиб, аниқланган қондабузарликлар бўйича мажбу-



рий кўрсатмалар бериб борилади. Шунингдек, 5 та лойиҳа ташкилотининг лицензиясини бекор қилиш ва тўхтатиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларга қурилишда ишлатилган сифатсиз материалларга нисбатан 80 та тақдимнома, қурилиш жараёнида техник ва муаллифлик назорати юритилишида камчиликларга йўл қўйган ташкилотларга 470 та тақдимнома киритиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, аниқланган қондабузарликлар бўйича юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан 720 та маъмурий жавобгарлик масалалари ҳам кўриб чиқилади. Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объектларини назорат қилиш мақсадида жорий йил давомида 450 та мониторинг ўтказилади. Қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилаётган 580 та объектда синов лаборатория ишларини амалга ошириш учун 770 та шартнома тузилади, 350 та объектда инструментал техник кўриқлар ўтказилади. Қолаверса, кўп квартираларий уй-жойларга туташ ҳудудларни обдонлаштириш мақсадида 15 та болалар майдончаси барпо этилади, 10,5 минг квадрат метр йўлақлар бетон қопламаси билан қопланади ва кўча чиरोқлари ўрнатилади, 330 та кўп қаватли уй-жойларда мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Ориф ЖУМАНОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

Фацелия асали тикловчи, иситмани туширувчи, оғриқ қолдирувчи, енгил лаксатиф ва тинчлантирувчи хусусиятларга эга

# ФАЦЕЛИЯ – НОЁБ АСАЛЛИ ҶСИМЛИК

(Боши 1-саҳифада)

Фацелиянинг кўп турлари манзарали ўсимликлар, яшил ўғитлар ва асал ўсимликлари сифатида етиштирилади. Фацелия ҳар доим меҳнатсевар асалариларни топишнинг мумкин бўлган ноёб ўсимликлардан биридир. Ундан асал олинишидан ташқари пояси чорва учун юқори калорияли пичан бўлади. Ўсимликнинг яшил массаси ажойиб органик ўғит бўлиб, тупроқни азот бирикмалари билан тўйинтиради, бир ярим ойдан камроқ вақт ичида тўпланган яшил массаси 300 кг. гўннинг ўрнини босади. Сидерати гумификация қилиш учун жуда яхши. Унинг қолдиқлари тез парчаланadi. У зараркундаларга қарши курашда энтомофагаларни нектар билан жалб қилади. Нафақат тез ўсади, балки зич тарвақайлаб кетган барглари бегона ўтларнинг ўсишини тўхтатишга ёрдам беради, шунингдек, ердаги намликни узоқроқ ушлаб туради, тупроқ реакциясини кислотадан нейтралга ўзгартиради. Фацелия турли тупроқ ва иқлим шароитларига осонгина мослашади, бу эса уни турли минтақаларда етиштиришга имкон беради. Касаллик ва зараркундаларга чидамли бўлиб, пеститцидларга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Фацелия ўзининг ёрқин ва хушбўй гуллари билан асалариларни ўзига жалб қилади. Асаларичиликка яқин жойда парваришланганда, асаларилар фаоллигини оширишга ёрдам беради, бу эса асал ишлаб чиқаришни сезиларли даражада ошириши мумкин. Фацелия энг юқори сифатли асал ўсимлиги сифатида танилган бўлиб, унинг юмшоқ кўк гуллари асалнинг ёқимли ҳидини чиқариб, ўсимликнинг маҳсулдор чанглини рағбатлантиради ва уруғ ҳосилини оширади.

Эрта баҳордан, бошқа асал ўсимликлари ҳали гулламаган вақтда ва кеч кузгача, шунингдек, эрталабдан деярли кўёш ботгунча бу ўсимлик гуллаб туради. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир гектар фацелия экилган майдондан асаларилар 300 кг. дан 1 тоннагача асал йиғиши мумкин. Таққослаш учун, хантал – 100 кг., гречка – 70 кг. асал беради. Ўсимликнинг битта гули 60 фоиз шакарни ўз ичига олган 5 мг. гача нектар беради. Фацелиянинг нектар маҳсулдорлиги иқлим ва атроф-муҳит шароитларига боғлиқ. Ёзнинг биринчи ярмида у энг юқори бўлиб, ҳар гектар экин учун 250 кг. га етади. Ёзнинг иккинчи ярмида ва сентябрда ҳосилдорлик гектарига 180 кг. гача тушиши мумкин. Узоқ иссиқ ёзи ҳудудларда бу қиймат гектарига 0,5 тоннадан ошиши мумкин. Фацелия даласидан олинган асал озуқавий моддаларга бой. Унинг таркибиде фруктоза ва сахароза, сувда эрийдиган витаминлар, аминокислоталар, антиоксидантлар, оқсил бирикмалари ва ферментлар мавжуд. Бундай асалнинг калория таркиби 100 грамм

маҳсулот учун 304 ккални ташкил этади. Фацелия асали нафақат ёқимли таъми ва хушбўйлиги, балки фойдали хусусиятлари учун ҳам қадрланади, бу эса уни идеал десерт ва доривор мақсадларда қимматли маҳсулотга айлантиради. Фацелия асали озуқавий моддаларга бой парҳез маҳсулот бўлиб, уни жисмоний ва руҳий зўриқиш пайтида, шунингдек, операциялар ва касалликлардан кейин тикланиш даврида истеъмол қилиш тавсия этилади. Фацелия асали тикловчи, иситмани туширувчи, оғриқ қолдирувчи, енгил лаксатиф ва тинчлантирувчи хусусиятларга эга. У фойдали макро ва микроэлементларнинг ҳақиқий омборидир, яъни бу асал организм саломатлиги учун зарур бўлган рух, марганец, калий, кальций ва темир каби микроэлементларга бой. Оч қоринга бир қошиқ фацелия асалини илик сув билан ичиш қондаги гемоглобин даражасини оширишга ва уйқунини нормаллаштиришга ёрдам беради, фацелия асали юрак-қон томир касалликлари билан оғриган одамларнинг аҳолини енгиллаштиради. Уни ҳар кун истеъмол қилган одамларда уйқунинг нормаллашиши ва энергиянинг ошиши қайд этилган. Бу асални мавсумий шамоллаш бошланишидан бирикми ой олдин истеъмол қилиш танани мустаҳкамлаш ва ўткир респиратор касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Ички органларнинг патологиялари учун комплекс терапиянинг бир қисми сифатида фаол қўлланилиши тасодиф эмас, бу маҳсулот айниқса ошқо-



зон ва жигар касалликлари учун фойдалидир. Гастрит ва ошқозон касалликлари учун рационга киритиш тавсия этилади, фацелия асали хужайраларни етарли даражада озиқлантириши таъминлайди, метаболизмни нормаллаштиради ва органлар, тўқималарда метаболик жараёнларни яхшилади. Бу эса инсоннинг иммунитетини ва тананинг касалликларга қарши кураш қобилиятини оширади. Фацелия асали секин кристалланиши билан ҳам ажралиб туради. Шунинг учун унинг дастлабки таъми ва шифобахш хусусиятлари узоқ вақт сақланиб қолади.

Ҳозирги кунда Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти "Алмашлаб экиш ва монокультура ноёб объекти" лабораторияси илмий ходимлари томонидан ушбу ноанъанавий фацелия ўсимлигини парваришлаш агротехнологияси ўрганилаётган. Хўлоса сифатида шунини таъкидлаш керакки, фацелия каби янги экин турларини республикамизнинг турли тупроқ ва иқлим шароитларида интродукция қилиш, янги навларини яратиш, бирламчи уруғчилигини, етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш аграр соҳанинг долзарб вазифаларидан биридир.

**Сурайё НЕГМАТОВА,**  
Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.



**Ота-она** берган мотивациянинг фарзанд келажагига таъсири қандай? Замон ривожлангани сари ёшларнинг ҳам катта-катта ютуқларга эришиш имконияти ортиб бормоқда. Бунга эришиш учун ёшларимиз ҳам ҳаракат қилишмоқда. Бироқ ҳаракатнинг ўзи камлик қилади.

## ЭНГ ЯХШИ МОТИВАТОР – ОТА-ОНА

Танганинг иккинчи томони бўлгани каби мотивациянинг ҳам икки тури мавжуд. Агар сен бугун воз кечсанг, ҳеч қачон қаерларгача бора олишингни билмайсан. Яъни ҳаракат қилишни бошладингми охиригача бор. Бу йўлда кўплаб тўсиқлар бўлади. Бунга яққол мисол муваффақиятнинг йўлида дўстларининг ва ота-онангнинг сента ва ҳаракатингга нисбатан бераётган салбий фикрлари деб ўйлашинг мумкин. Ҳўш қандай салбий фикрлар деб ўйлайсиз? (Ўқиб, олим бўлармидинг ёки ўқиб нима фойда кўрасан?) сингари гаплар. Лекин бу гаплар билан ҳаёт тўхтаб қолмайди. Муваффақиятнинг қўлдан кетишини фожиа деб ҳисобламастик керак. Тўғрими? Нега шунини кўп ота-оналар тушунмайдилар? Мисол учун, фарзанд институт имтиҳонидан ўта олмас, ота-она фарзандига руҳлантирувчи гапларни айтиш ўрнига салбий таъсир кўрсатадиган гапларни айтиш. Шу иш тўғри, деб ҳисоблайсизми? Тўғри, ота-оналаримиз бизнинг келажакда ҳеч қимдан кам бўлмаслигимиз учун шундай қилишлари мумкин. Лекин боланинг руҳиятини тушириши нўтоғри, деб ўйлайман. Агар ота-она фарзандининг ҳар қандай ёмон натижасида ҳам, яхши натижаларида ҳам унга тўғри йўл кўрсата олса, болада интилиш, ҳаракат, ўқишга бўлган қизиқиш ортиб боради. Муваффақиятсизлик тажриба учун имконият. Бир нарсани ёдда чиқармаслик лозим, туннинг энг зулмат дақиқалари тонг отишидан бир фурсат аввал бўлади. Ҳали ёруғ кунлар олдинда. Шунинг учун ҳаракат қилишдан тўхтамаслик керак. Инсон ўз олдига максат қўйди, бунга эришиш йўлида кўп машаққатларга учрайди. Бу машаққатлар бизни чиниқтиради ва қомил инсон бўлиб етишимизга ёрдам беради. Ота-оналаримиз бизга қандай қилиб мотивация беришлари мумкин? Фарзандлари билан кўп вақтнинг оила даврасида ўтказиб, фарзандининг қизиқишларига кўпроқ эътибор бериши керак, деб ҳисоблайман. Агар ота-она фарзандининг ҳар қандай натижаларида ҳам унга тўғри насиҳат бера олса, боланинг яхши марраларга эришишига катта туртки бўлади. Ҳаётдаги ютуқ эришилган муваффақият билан эмас, бой берилган имкониятлар билан ўлчанади. Бизни муваффақиятсизлик билан синанган ҳаёт асида катта ҳаёт йўлига тайёрлаётган бўлади.

**Хувайдо ҲАБИБУЛЛАЕВА,**  
Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги 227-мактаб ўқувчиси.

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШДА САМАРАЛИ ВА ИШОНЧЛИ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНДИ

Президент Халқ қабулхоналари бугун халқимизнинг ишонч манзилига айлана олди. Норин аҳли ўзининг янги ғояларини ҳаётда акс эттириш, муаммоларини орзулар рўёби билан алмаштиришда айнан шу манзилга ишонч билдириб келмоқда. Бунга эса етарлича асос бор. Аниқ рақамлар фикримизнинг исботидир.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида келиб тушган 2 181 та мурожаатнинг барчаси ўрганиб чиқилиб, 1 751 таси ёки 80 фоизга яқини қаноатлантирилган, 1 028 таси ижобий ҳал этилган.

Шундай экан, Халқ қабулхоналари бу йўналишдаги конституциявий меъёрларни ҳаётга жорий этишга, халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда барча даражадаги раҳбарларнинг фуқаролар билан очик, ошқора мулоқоти йўлга қўйилиб, аҳолининг ҳақли талабларини ҳал этиш ва эҳтиёжларини аниқлаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига қўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгилаб олинди. Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, деган улусвор ғоя раҳбарларнинг мурожаатлар билан ишлаш масъулиятини оширди. Кейинги беш йилда юз берган бу янгиланишлар одамларнинг бугун кечагиндан, эртага бугунгидан яхшироқ яшашга бўлган иштиёқини рўёбга чиқариш учун қўлай муҳит, кенг имконият яратди.

Эндиликда ҳаётнинг ўзи аҳоли мурожаатларига муносабатни таъминлашга ўзгартириб, ҳатто уларнинг ижроси қай даражада бажарилаётганини чуқур таҳлил қилишни тақозо этмоқда. Натижалари ҳокимликнинг қўшма йиғилишларида, маҳаллий кенгашлар сессияларида муҳокама этилмоқда, буларнинг барчаси юртимизда қисқа даврда юз берган янгиланишлар, шу жумладан, очиклик ва ошқораликнинг амалдаги самарасидир.

Бундан бир неча йиллар олдин бир туман ёки шаҳарда бир йилда мингдан ортқ инсоннинг муаммоси ечим топангани тасаввур қилармидик? Ёки одамлар дуч келган масаласини раҳбарлар олдига тортинмасдан



қўндаланг қўя олармиди? Йўқ, албатта. Чунки, юртимизда аҳоли мурожаатларини тинглаш ва ҳал этишга ҳозиргидек эътиборнинг ўзи йўқ эди.

Норин туманида фуқаролар асосан қандай йўналишлар бўйича Халқ қабулхонасига кўпроқ мурожаат этмоқда?

Таҳлилларга кўра, йилнинг ўтган даврида 180 та болалар нафақасига оид, 174 та алимент ундириш, 142 таси аҳолини қўмир брикет билан таъминлашга оид, 78 та бир марталик моддий ёрдам, 102 та суялтирилган газ баллон олиш ва етказиб бериш масаласига оид, 41 та мутахассислиги бўйича ишга кириш ва бошқа соҳалардаги мурожаатларни ташкил қилди.

Масалан, Бўстон маҳалласида яшовчи фуқаро Б.Э мурожаат қилиб, электр таъминоти ўрнатиб, сим тортишда амалий ёрдам сўраган.

Найманоабод маҳалласида яшовчи фуқаро С.Ф эса, оилавий даромдини ошириш ва деҳқончилик билан шуғулланиш учун ер олишда амалий ёрдам сўраган. Қўшчек маҳалласида ечим топангани тасаввур қилармидик? Ёки одамлар дуч келган масаласини раҳбарлар олдига тортинмасдан

ёрдам сўраган.

Ушбу мурожаатлар Халқ қабулхонаси аралашуви билан ижобий ҳал этилишига эришилган ва бундай масалаларни кўплаб келтириш мумкин.

Айтиб ўтиш лозимки, халқимизни қийнаётган муаммоларнинг аксарияти узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган масалалардир.

Янги Ўзбекистоннинг Халқ қабулхоналари бугун фидойи халқимизнинг том маънодаги дарду-ташвишини тинглаб, қувончларига шерик бўладиган, улар дуч келаётган муаммоларни ишончли ҳал этадиган ўзига хос тузилмага айланди. Ҳокимият ва халқ ўртасида очик, шаффоф мулоқот қилиш тизимини яратди. Бундай улусвор, эзгу ишлар жойларда қонун устуворлигини таъминлаб, одамларни рози қилиш, уларнинг эртага эмас, айнан бугун яхши яшаш, муносиб турмуш кечириши учун барча шароитларни яратиб беришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлмоқда.

**Ф. БАЙЗАҚОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Норин туманидаги Халқ қабулхонаси муддир.

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Ҳазрати Хизр масжиди Марказий Осиё араб истилоси остида бўлган даврда қурилган. У қадимий Афросиёб қолдиқларининг жанубида, кичкина тепалиқда жойлашган. Иншоотни Хизр пайғамбар номи билан аташган. У сайёҳлар ҳомийси бўлган ва "жонли сув"га эга эди. Ривоятларга кўра, араблар шаҳар қалъасини сувга фарқ қилмоқчи бўладилар ва Арзис анҳорини тўғон билан тўсадилар. Аммо қутилмаганда катта оқ қуш учиб келиб, тўғонни бузиб юборади.

## ҲАЗРАТИ ХИЗР – МОВОРУОННАҲРДАГИ ЭНГ БИРИНЧИ МАСЖИД



Мўъжизавий нажот шарафига Самарқанд аҳолиси масжидни барпо этдилар. Аввалроқ унинг ўрнида Зардуштийлар ибодатхонаси турар эди. Ҳазрати Хизр масжидини мўғуллар 1220 йилда вайрон қилдилар. Одатда ҳарбий юришлари давомида улар аҳамиятга эга бўлган иншоотларни ер билан яқсон қилар эди.

Ривоятларга кўра, Хизр оролларда яшайди, осмонда учади, дунё бўйлаб кезиб юради, ҳар йили ҳаж қилади, жума кунлари Макка, Мадина ҳамда Қуддус шаҳарлардаги масжидларда намоз ўқийди. Денгизда сузувчиларга ҳомийлик қилади, махсус дуолар билан қаққирилса, ёрдамга келади, сувга чўкаётганларни қутқаради, ёнгининг ўчиради, ўғрилар хуружидан, жинларнинг ҳийлаларидан, илон чақшидан асрайди. Чол, суворий ёки йўловчи кўринишида пайдо бўлади, деҳқон даласига ёки хирмонга назар ташласа, ҳосил баракали бўлади. Суфийлар Хизрни авлиёлар пири сифатида эъзозлайди. Ислоҳ анъанасида Хизрнинг умри боқий деб тақдир этилганига қарамай, мусулмон мамлакатларида Хизрнинг бир қанча қабри бор ва улар мусулмонларнинг зиёратгоҳларига айлантилган. Халқимизда "Ҳар келгани Хизр бил" деган ибора бор.

Ҳазрати Хизр масжиди Самарқанддаги меъморий ёдгорлик XIX аср ўрталари, асфоновий ўлма тақводор инсон Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ. Масжид ҳақида биринчи эслатма араблар Сўғднинг босиб олган даврга (VIII аср бошлари) тўғри келади. Ривоятларга кўра, 712 йилда Қутайба қўшинлари Самарқандни эгаллагандан сўнг араблар Жўйи Арзис каналини тўғон билан тўсиб, шаҳар қалъасини сув остида қолдиришга бўлганлар. Бу воқеани хотирлаш учун Қутайбанинг ҳамроҳларидан бири Муҳаммад ибн Васо Темир қараганининг эгаллаётган жанубий томонида, сўғдликлар хурмат қиладиган зардуштийлар ибодатхонаси ўрнига "Ҳазрати Хизр" масжидини қурдирди. Масжид 1220 йилда мўғуллар истилоси даврида бутунлай вайрон қилинган.

Ҳозирги масжид 1854 йилда қадимий пойдевор устига қурилган. 1884 йилда бинода пардозлаш ва реконструкция ишлари олиб борилди. 1899 йилда масжиднинг айвони қайта қурилиб, дарвозахона қўшилди. Реконструкция 1919 йилда самарқандлик машҳур уста Абдуқодир бин Боқий томонидан

кириш портали ва шарқий монра ўрнатилиб, дарвозахона тўғридан-тўғри гумбаз билан ёпилганида ниҳоясига етди.

Масжид хонақоҳ, унинг икки ёнида хужралар, қўшимча хоналар, омборхона, минорадан иборат. Кейинчалик бинога қўшимча айвон (1899), дарвозахона (1919) қурилган. Бош тарзидаги тик зинапойдан дарвозахонага чиқилади, ундан катта бўлмаган хонага кирилади. Дарвоза пештоқгумбази, пештоқнинг икки бурчаги куббали, қовурғали гулдаста миноралари ишланган, пештоқнинг чап томонида равоқли, ўй-мақори безатилган бешта ёғоч устуни пешайвон жозибадор нақшлар билан серҳашам безатилган, қирма усулидаги ганч безаклари маҳорат билан ишланган. Пешайвондан баланд гумбаз билан ёпилган хонақоҳга ўтилади. Ташқариси пилтавор гумбаз саккиз қиррали пойгумбазга ўрнатилган, оралиги мукарнаслар билан зийнатланган. Пештоқ ҳамда қафасли минора қошиқори безатилган, пештоқ пойгумбазига равоқли дарчалар ишланган. Бино XX асрнинг 90-йилларида қайта таъмирланди.

Ҳазрати Хизр масжиди Самарқанд шаҳрининг муқаддас зиёратгоҳларидан биридир. У Самарқанддаги биринчи мусулмон масжиди ва меъморий обидаси сифатида эътироф этилади. Гумбазли дарвозахона бунёд қилишда икки четида гулдаста минораларга эга кириш пештоқи ва шарқона нафис минора ҳам барпо этилди. Бинонинг орқа тоарафида ҳам гулдаста минора бор. Бинога қараганингизда миноранинг яқка ўзини кўрмайсиз ва унга қараганингизда симметрия ҳисси ўйонади. Ҳазрати Хизр масжиди фақатгина 1919 йилга келибгина ҳозирги кўринишга эга бўлди.

Масжиднинг ташқи пардозини пардозидан фарқланади. Унда одатий бўлган кўк ва яшил рангларнинг устунигини кўрмайсиз. Ақинча, сарғиш ва қизғиш-жигар рангли безакларни кўриш мумкин. Айвоннинг ёрқин шифтини жимжимадор нақшлар билан безатишган. Ҳазрати Хизр масжидидан Бибиноним мақбараси ва унинг қаршида Амир Темур монидан унга бағишлаб қурилган улкан ансамбл кўриниб туради. Халқ орасида уни "Бибиноним" деб аташади.

**Жаҳонгир ЖўРАЕВ,**  
Регистон ансамбли гайд-экскурсоводи,  
Ипак йўли халқаро туризм университетини маистранти.

### Эълонлар

#### "SQB INSURANCE" СУФУРТА КОМПАНИЯСИ

#### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

A4 форматдаги 0379746 серияли полис бланкаси йўқолганлиги сабабли юридик кучини йўқотганлиги ва ҳеч қандай жавобгарлик олиб борилмаганини маълум қилади.

Будилина Ольга Ивановна номига 1993 йил 4 февралда берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи 03-02/2458 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Маълумки, Президентимиз томонидан 2017 йил ноябрь ойида қабул қилинган қарорга мувофиқ, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, она Ватанга садоқат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини сингдириш, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун етарли билимга эга бўлган иқтидорли ёшларни тизимли равишда тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилда "Умумий ўрта таълим мактабларида ҳарбий-ватанпарварлик синфлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

# ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ МАКТАБДАН БОШЛАНМОҚДА



қилинган қабул комиссиялари томонидан мазкур синфларга кириш истагини билдирган номзодлардан тегишли ҳужжатлар қабул қилиниб, белгиланган тартибда қабул қилинмоқда.

Ҳарбий-ватанпарварлик синфларига қабул қилиш бўйича танлов тенг ҳуқуқлили ва қабул қилишнинг ягона қоидалари асосида амалга оширилмоқда.

Бугун Бекобод туманидаги 2-умумтаълим мактабида ҳам худди

шундай синф яъни, бўлажак Миллий гвардиячилар – ҳарбий-ватанпарварлик синфининг очилиш тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда Миллий гвардия, тумanning тегишли ташкилот ва муассасалари раҳбар ва вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Тошкент вилояти Қўриқлаш бош бошқармаси



бошлиғи ўринбосари, майор Атабек Азимов қабул қилинганларни табриклади ва синф фаолиятига оқ йўл тилади.

Тадбир меҳмонлари 2-умумтаълим даргоҳи-

да ўқувчиларга яратилган шарт-шароитларни кўриб, мактаб жамоасига ўз миннатдорчилигини билдиришди, мактаб директори Зоҳиджон Шерматов ва 7-"Д" синф раҳбари Элдор Хидировларни "Ташаккурнома" билан тақдирлашди.

Тадбир сўнггида ўқувчилар ватанимизни мадҳ этувчи бадиий дастурни намойиш этишди.

**Муҳайё ҲОҚОВА,**  
Бекобод туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

## ФЕРМЕРГА НОҚОНУНИЙ ЕР СОТИШ 43 МИЛЛИОН СЎМ ЗАРАР КЕЛТИРДИ

Ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, ҳада, айирбошлаш объекти бўлиши, фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳада, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмаслиги Ер кодексида аниқ келтирилган.

Шунингдек, сугориладиган ер участкасига ёки унинг бир қисмига бўлган ҳуқуқни сотиш ёхуд қонунга хилоф равишда бошқача тарзда ўзга шахсга бериш Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 229 прим 6-моддаси билан жиноят, деб топилади.

Жиноят ишлари бўйича Бахмал тумани судининг 11.03.2024 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229 прим 6-моддаси билан судланган А.И.нинг ҳисобидан 43 миллион сўм жарима жазосини давлат фойдасига ундириш ҳақидаги ижро варақаси Бюронинг Бахмал тумани бўлими иш юритувига келиб тушган. Мазкур ижро ҳужжати юзасидан қарздорга нисбатан ижро иши қўзғатилиб, нусхалари тарафларга юборилган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида А.И.дан 43 миллион сўм жиноий жарима тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Ушбу жарима фуқаро А.И. ва бошқаларга "дарс" бўлди.

**Файзулла ТАШБАЕВ,**  
МИБнинг Жиззах вилояти бошқармаси катта инспектори.

Мазкур қарорга кўра 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб кўплаб мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик синфлари ташкил этилиб, бунинг масъулияти Миллий гвардияга бириктирилган эди.

Ушбу синфларда ўқиш муддати беш йил бўлиб, 6-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади ва 7-11 синфларда таҳсил олиши белгилаб қўйилганди.

Айни дамгача мактабларда ташкил

## УМРИМИЗНИ СОЛИҲ АМАЛЛАРИМИЗ БИЛАН БЕЗАЙЛИК!

Инсонга берилган барча нарсалар омонат бўлганидай умр ҳам омонат. Шу қисқа умримиздан унумли фойдаланиб, икки дунёмиз учун ҳам фойдали ибодату амалларни кўпроқ қилиб олишга ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Бу борада ўтган саҳобалар, тобеинлар, устозлар бизларга ўрнак ва намуна бўлганлар.



Бир киши: "Эй, Аллоҳнинг Расули! Инсонларнинг қайсиси афзал", деди. У зот: "Умри узок бўлиб, амали чиройли бўлгани", дедилар. "Инсонларнинг қайсиси ёмон", деди. Соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Умри узок бўлиб, амали ёмон бўлгани", дедилар" (Имом Термизий ривояти).

Саҳобийлар розияллоҳу анҳум Ислому шарафига эришган, дин ва дунёси учун муҳим бўлган амалларга алоҳида эътибор берганлар. Ҳар икки дунёларни учун фойдали нарсаларни билиб, ўрганиб, уларга амал қилишга ҳамда зарарли нарсалардан ҳабардор бўлиб, улардан узоқ бўлишга интиланлар. Уларнинг мана шу қизиқиш ва интилишлари уларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга "Энг афзал амал қайси?", "Кимга кўпроқ яхшилик қилай?", "Нима қилсам жаннат аҳлидан бўламан?", "Жаннатга сабаб бўладиган амаллар қайсилар?", "Инсонларнинг энг яхшиси ким?" каби саволларни беришга ундар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи

ва саллам ҳар бир саҳобийнинг ёши, ҳолати, имкониятига қараб ёки Исломга янги кирганлигини ҳисобга олган ҳолда жавоб берар эдилар.

Ушбу ҳадисда ҳам бир саҳобий Пайғамбаримиздан "Энг яхши инсон қандай бўладию, ёмон инсон қандай бўлиши" ҳақида сўради. Пайғамбаримиз унга жавобан узоқ умр кўриб, ўша узоқ умри давомида солиҳ амалларни кўп-кўп қилиб, натижада савобларини кўпайтириб олган киши инсонларнинг энг яхшиси бўлишини айтдилар. Ўз ўрнида узоқ умр кўришдек имкониятдан тўғри фойдаланмасдан, бутун умрини ёмонлик билан ўтказган инсон энг ёмон инсон бўлиб қолишини таъкидладилар. Пайғамбаримиз ушбу жавоблари билан инсон ҳаётининг мазмунини белгилаб бердилар.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётга келар экан қачон, қаерда, қайси ҳолатда вафот этишини билмайди. Зеро, узоқ ёки кам умр кўриш Аллоҳдан бўлиб, инсоннинг ихтиёрида бўлмаган ишдир. Чунки умрлар

Аллоҳнинг қўлидадир. Инсоннинг имконияти бори эса, ўша умрида яхши амал қилиб қолишидир. Чунки Аллоҳ таоло инсонга ақл берган, китоблар нозил қилган, Пайғамбарлар юборган, далилларни баён қилган. Ҳар бир инсоннинг солиҳ амал қилишга имконияти бор.

Шу билан бирга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзи солиҳ амаллар инсоннинг умри узайишига сабаб бўлишини айтганлар. Анас ибн Молик Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисда: "Ким ризқи кенг, умри узок бўлишини хуш кўрса қариндошларига яхшилик қилсин" дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Инсон доимо Аллоҳдан умри узок, амали солиҳ бўлган бандалардан қилишини сўраши лозим. Мана шундан яхши амалларсиз кўрилган узоқ умрда инсон учун яхшилик йўқлиги маълум бўлади. Чунки гоҳо узоқ умр инсон учун ёмон ва зарар бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабдан баъзи уламолар Аллоҳдан қуруқ узоқ умр эмас, балки тоат-ибодатда яхши амаллар узра ўтадиган узоқ умри сўраши лозим бўлади, дейишган.

Тийбий раҳматуллоҳи алайҳ инсон умридаги лаҳзаларни тижоратчининг сармоясига ўхшатиб шундай дейди: албатта, лаҳзалар ва вақтлар тижоратчининг сармоясига ўхшайди. Тижоратчи фойда кўрадиган ишларида тижорат қилади. Сармояс қанча кўп бўлса, кўрадиган фойдаси ҳам шунча кўп бўлади. Худди шу каби инсон ҳам умридан яхши амаллар қилиб фойдаланиб қолса, муваффақиятга эришади. Ким (вақтини) сармоясини зое қилса, фойда кўрмай, зиенда қолади.

Мусулмон инсон ўлимни орзу қилмайди. Чунки у ўзига берилган узоқ умрни яхши, савобли ишлар қилишга имконият дея қабул қилади. Умрини ўзининг яхши ишлари билан халқига, динига ва ватанига фойдаси тегадиган тарзда ўтказиши. Натижада, Аллоҳнинг розилигига, халқининг дуосига эришиб, охиратда ҳам юзи ёруғ бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизга узоқ умр кўриб, ўша узоқ умр давомида яхши амалларга муваффақ бўлишликни насиб қилсин.

**Муҳаммадшокир БОБОҲҲАЕВ,**  
Наманган вилояти Норин туманидаги "Умархўжа эшон" жомеъ масжиди имом хатиби.

Реклама ва эълонлар

### SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

# AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida.

MgO

Magniy

N-34,4%

Ca

Kaltsiy

**Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.**

Tel: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.  
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chichiq.uz  
www.maxam-chichiq.uz

Mahsulot sertifikatlangan № UZ. SMT.01.080.64398163 GOST 2-2013